



Ashonch

МОҲИЯТ
Бугунги кунда ўзининг кадр-қиммати, гурур ва ифтихорини сақлаб, ўз кучи ва қудратига ишонган, ўз меҳнати ва ақл-заковати билан ўз келажагини куриш, ўз юртини ҳимоя қилишга қодир бўлган давлат ва жамиятнигина дунё ахли тан олади ва ҳурмат қилади.
Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

«Универсиада – 2010» спорт ўйинлари иштирокчиларига

Кадрли фарзандларим! Муҳтарам устоз ва мураббийлар! Авваламбор, сиз азизларни гўзал ва бетакрор Андижон заминидан бошланган «Универсиада – 2010» спорт ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ҳеч кимга сир эмас, бугунги кунда ўзининг кадр-қиммати, гурур ва ифтихорини сақлаб, ўз кучи ва қудратига ишонган, ўз меҳнати ва ақл-заковати билан ўз келажагини куриш, ўз юртини ҳимоя қилишга қодир бўлган давлат ва жамиятнигина дунё ахли тан олади ва ҳурмат қилади.

Биз ўз олдимизга қўйган ана шундай юксак мақсадни амалга оширишда аввало жисмоний баркамол, замонавий билим ва тараққиёт ютуқларини чуқур эгаллаган, иродаси бақувват, маънавий етуқ авлодни ҳал қилувчи куч сифатида кўрамиз.

Ёшларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмасдан воёга етиши, уларнинг қобилият ва истеъдодини рўйбга чиқариш, ўз олдида мақсад қилиб қўйган марраларга кўтарилиши, бир сўз билан айтганда, фарзандларимизга майдонни кенг очиб бериш мақсадида қабул қилинган умуммиллий дастурларимиз, режаларимиз ва саъй-ҳаракатларимиз бугунги кунда самарали натижаларни бера бошлагани барчамизни қувонтиради, албатта.

Мамлакатимизда барпо этилаётган, ўғил-қизларимиз учун бағрини очётган минг-минглаб замонавий мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртилари, санъат, маданият ва спорт масканлари ана шу эзгу, ҳақиқатдан ҳам, тарихий ишларимизнинг амалий натижаси сифатида намён бўлмоқда.

Айниқса, инсоний камолотнинг энг муҳим шарт бўлган жисмоний тарбия ва спортнинг ҳар қайси шаҳар ва қишлоқ, ҳар бир хонадонга кириб боришига эришиш, бу соҳадаги барча ютуқларнинг пойдевори бўлиши болалар спортини ҳар томонлама ривожлантириш, спорт орқали ёш авлод қалбидан ирода, мардлик ва матонат фазилятларини тарбиялаш, ҳаётимизда соғлом муҳитни янада мустаҳкамлаш йўлидаги улкан ишларимиз ҳақида, ўйлайманки, бугун ортиқча гапиришга зарурат йўқ.

Биргина болалар спортини ривожлантириш ҳамгармаси ҳисобидан кейинги йилларда қарийб 160 миллиард сўм маблаг сарфланиб, 1 минг 130 та болалар спорт объектлари бунёд этилгани ва жиҳозлангани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

2010-2011 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида

Республика иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида талаб этиладиган юқори малакали мутахассисларни сифатли тайёрлашни таъминлаш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва иқтисодий модернизация қилиш ҳамда таркибий қайта куриш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда таълим йўналишларини янада унификация қилиш ва олий маълумотли кадрларни тайёрлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасарруфда олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар, ҳўжа-лик бирлашмалари ва корхоналар иштирокида, олий ўқув муассасаларига қабули янада тақомиллаштиришни ишлаб чиқилган принципларини ҳисобга олган ҳолда, талаб қилинаётган иқтисодиклар бўйича юқори малакали мутахассисларни иқтисодиётнинг тармоқлари ҳамда соҳаларидаги реал эҳтиёжлардан келиб чиқиб, 2010-2011 ўқув йили учун:

«Эртанги кун бундан ҳам яхши бўлади»

Ҳа, ҳамма бу ташрифдан хурсанд, меҳмонлару мезбонлар бир хилда қувноқ кайфиятда эди. Шунингдек, айрим фанлар чуқурлаштирилиб ўқитилган 1- мактаб-интернатда французияликлар тез-тез ташрифи буюриб туришди. Сабоби, бир неча йиллардан бери ушбу мактаб жамоаси билан Париждаги Софи-Жермен лицейи ўртасида ўзаро дўстлик, ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

лари ёшларимиз учун том маънода чинқиш ва камолот мактабига айлангани эътиборлидир. Мамлакатимизда бешинчи бор ўтказилаётган Универсиада ўйинлари, мана, ун йилдирки, нафақат унинг иштирокчилари, балки барча ўғил-қизларимиз, бутун халқимиз ҳаётдан мустаҳкам ўрин эгаллаб, Ўзбекистон талаба-ёшларининг нуфузли спорт анжуманига, таъбир жоиз бўлса, кичик олимпиадага айланди, десак, асло муболага бўлмайди.

Узининг биринчи умидбахш ютуқларини айнан Универсиада мусобақаларида қўлга киритган 40 нафардан зиёд спортчи ёшларимиз Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва Осиё беллашуварларида, кўплаб нуфузли халқаро турнирларда юксак шохсупаларга кўтарилгани ҳам шундан далolat беради.

Универсиада ҳаракатининг ана шундай эзгу анъаналарини бошлаб берган Аббос Атоев, Абдулла Тангриев, Рустам Саидов, Ришод Собиров, Окгул Омонмуродова, Светлана Радзивиц, Севара Қодирова, Саида Искандарова, Вадим Меньков, Дилшод Мансуров, Элмурод Холиқов каби истеъдодли спортчиларимиз бугунги кунда Ўзбекистон шухратини бутун дунёга тараннум этиб келаётгани билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда сиз азиз фарзандларимизнинг очиқ чехрангизга боқиб, биз – ота-оналар, устоз-мураббийлар сизларнинг тим-солингизда вужуддан куч-гайрат ёғилиб турган, ўз олдида юксак мақсадлар қўйиб янги дунёқараш, янги тафаккур билан ҳаётга кириб келаётган, биз бошлаган ишларнинг давомчиси бўлган навқирон авлодни кўрамиз ва бундан барчамизнинг юрагимизда қувонч ва гурурга тўлади.

Универсиада мусобақаларининг навбатдаги беллашуварлари айнан Баркамол авлод йилида бўлиб ўтаётгани ўзига хос рамзий маънога эга эканини, у ҳар бир иштирокчидан катта маҳорат ва масъулият талаб қилишини тушуниш, англаш қийин эмас. Бугун ана шундай кўтаринки руҳ, баланд кайфият билан белни қаттиқ боғлаб майдонга чиқётган экансиз, ҳеч қачон унутмангки, сизларнинг ортингизда барчамиз учун ягона ва муқаддас Ватанимиз, ҳар бирингизга галаба ёр бўлишини тилаб турган бағрикенг ва фидойи халқимиз бор.

Токи қалбингиз, юрагингизда шундай ишонч, шундай эзгу туйғу жўш урад экан, аминманки, сизлар ҳар қандай юксак маррани забт этишда бўш келмайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу Универсиада ўйинларини юқори даражада ўтказиш учун замонавий спорт мажмуаларини барпо этган қурувчиларга, меъмор ва муҳандислар, пудратчи ва ҳомий ташкилотларга, бутун Андижон аҳлига самимий миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Сизларни бугунги ёшлик ва гўзаллик байрами билан яна бир бор табриклаб, мусобақаларда барчангизга бахт ва омад, келгуси ҳаётингизда янги-янги ютуқлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Спорт, ёшлик ва гўзаллик байрами

Андижонда олий ўқув юртлари талабалари ўртасида «Универсиада – 2010» спорт мусобақалари бошланди



Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни воёга етказишдек эзгу мақсад йўлидаги изчил ишлар юксак самаралар бермоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, шаҳару қишлоқларда ёшларимизнинг пухта билим олиши, касб-хўнар эгаллаши, спорт билан мунтазам шуғулланиши, ўз қобилият ва иқтидорини намён этиши учун яратилган шарт-шароит ва имкониятлар — замонавий мактаб, лицей ва коллежлар, спорт мажмуалари, ёшлар ижод саройлари баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Баркамол авлод йили деб эълон қилинган 2010 йилда Универсиада мусобақаларининг ўтказилиши теяран маъно-мазмунга эга. Зотан, баркамол авлод тарбиясида спорт мусобақаларининг ўрни беқиёс. «Универсиада – 2010» яқиний босқичига мезбонлик қилдиغان Андижон шаҳрида мазкур спорт анжуманига пухта ҳозирлик кўрилди.
(Давоми 4-бетда)

Ислоҳотлар – юксак тараққиёт омили

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 27 май кuni Фарғона вилоятида бўлди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар замирида инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш, аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол воёга етишига қўмаклашиш, шаҳар ва қишлоқларимиз кўрқига кўрк қўшишдек эзгу мақсадлар мужжасам.

Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инкирозга қарши чоралар дастурининг ижроси доирасида олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳотлар Фарғона вилоятида ҳам ўз самарасини бермоқда. Жорий йилнинг биринчи чора-дарида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 10,1 фоиз ўсди.

Вилоятда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, инвести-

ция жалб этиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш тадбирлари изчил олиб борилмоқда. Жумладан, йилнинг дастлабги уч ойида Фарғона туманида «Фарғонаавтотрасс», Ўзбекистон туманида «Uz Dong Yang Fargona», Олтиариқ туманида «Ferae» каби янги корхоналар ишга туширилди. 80 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдордаги маҳсулот экспорт қилинди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш борасида ҳам изчил тадбирлар амалга оширилди. Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган 34 корхонада 40 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини оширишга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар туфайли яратилаётган иш ўринларининг асосий қисми қишлоқ жойларга тўғри келмоқда. Қишлоқ инфратузилмасини тақомиллаштириш, замонавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш борасидаги ишлар қўла ми тобора кенгайиб бораётир. Президентимизнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугун Фарғона вилоятининг аксарият шаҳар ва туманларида замонавий, шинама, барча қўлайликларга эга уй-жойлар қад ростламоқда. Намунавий

лоийҳалар асосида қурилаётган турар-жойлар замонавий ва миллий меъморчилик анъаналарини ўзига мужжасам этган. Бу халқимиз турмуш даражаси юксалиб, қишлоқларимиз қиёфаси гўзаллашиб бораётганидан далolatдир.

Президентимиз Фарғона вилоятига сафарини Фарғона туманидаги Миндонобод қишлоқидан бошлади. Давлатимиз раҳбари бу ерда намунавий лойиҳалар асосида қуриб битказилган икки қаватли 20 та уй-жойни кўздан кечирди. Бундай уй-жойлар меъморий ечими, лойиҳалаш жараёнида табиий иқлим шароити ҳисобга олигани, шу қаторда муҳандислик коммуникациялари билан уйлук ҳолда қад ростлаётгани фойта аҳамиятли эканини таъкидлади.
(Давоми 2-бетда)

Ибрат

Ҳарбий қисмдан хат

Марғилон шаҳридаги «Узун ҳовуз» маҳалла фуқаролар йиғинидаги Абу Али ибн Сино номида кўчада истиқомат қилувчи Одижон Нишонбоев хонадонига Ички ишлар вазирлиги қуролли қоровул қўшинлари бош бошқармаси 7532-ҳарбий қисм командири М. Халимзода, ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Б. Мирзаев имзоси билан миннатдорчилик хати келди.

Унда ушбу оила фарзанди Охунжоннинг ҳарбий бурчини виждонан ва садоқат билан ўтаётгани, кунт билан ҳарбий билимларни ўрганиб, жанговар топшириқларни шўхёрлик билан бажариб, қуролдош дўстларига ибрат бўлаётгани алоҳида таъкидланади.

— Ватанга хизмат муқаддас бурчдир, — дейди шаҳар мудоффа ишлари бўлими бошлиғи Пулат Латипов. — Охунжон каби юзлаб сиёсий етуқ, жисмонан бақувват, билимдон йигитларимиз билан фахрлансак арзийди.
Муҳаммадхон МАХМУДОВ

Ўзбекистон — меҳмонлар нигоҳида

Халқимиз дилидаги бу ишонч Кўшкўпирга қолган франциялик меҳмонлар тилига ҳам кўчди. — Бу жаннатмакон юрт, беғубор инсонлар, келажақларига бугундан замин ҳозирлаётган иқтидорли, ажойиб болажонлар кўнглимизга шодмонлик бағишлади. — дейди делегация раҳбари. «Авиенна-Фрэнция» ассоциацияси президенти жаноб Марк Боннел. Унинг тилларига кўчган сўзлар бошқа меҳмонларнинг дилларига жо бўлиб тургани барчаннинг юз-кўзларида зухур этиб турарди.

«Эртанги кун бундан ҳам яхши бўлади»

Ҳа, ҳамма бу ташрифдан хурсанд, меҳмонлару мезбонлар бир хилда қувноқ кайфиятда эди. Шунингдек, айрим фанлар чуқурлаштирилиб ўқитилган 1- мактаб-интернатда французияликлар тез-тез ташрифи буюриб туришди. Сабоби, бир неча йиллардан бери ушбу мактаб жамоаси билан Париждаги Софи-Жермен лицейи ўртасида ўзаро дўстлик, ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Бу галги ташриф ҳам дўстона муносабатларни мустаҳкамлади десак, асло муболага бўлмайди.
(Давоми 2-бетда)

Замондошимиз тасвирига чизгилар

Янги ўзбек

Элбайлик раҳматли Тўра Жўраев саксонинчи йилларда 15 сотихлик ховлисида 150 бош қорамол бокжани ҳамон одамлар ёндан кўтарилган эмас. Уша пайларда Тўра ақининг тажрибасини ўрганиш учун «Шўрчи тумани қайдасан?» дея барча вилоятлардан вакиллар қелиб-қетишгани ҳам хақиқат. «Элбай» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда яшовчи одамларнинг аксарияти ҳозир ҳам хонадонларида 15-20 бошгача қорамол, 30-40тагача қўй-эчки парваришлайтир.

Айни пайтда Сурхон воҳасида фалоний кўрсатаётган қўйчиликка ихтисослашган ширкат ҳўжалиқлари (улар сонини 6 та), шунингдек, мазкур соҳа билан шуғулланадиган фермер ҳўжалиқларидаги отарлар аввалгидек йирик эмас, 150-200 бош қўй-совлиғи бори ҳам бир отар ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан оладиган бўлсак, «Элбай» маҳалласида яшовчи Панжи Жабборов 26 сотих томорқасида 400 бош қўй боқиши анча юқори кўрсаткич. Демак, унинг ховлисида икки отар қўй-қўзи парваришланапти. Бу иш билан Панжибой қарийб чорак асрдан буён машғул.

У томорқасида бошқаларга ўхшаб зироат ўстирмайди. Аксинча, темир-терсақлар ва ёғоч тахтадан катта-кичик бостирмалар тиклаб, қўй боқди. Натижада, йилга 40-50 миллион сўмлаб даромад топади. Бу

ҳам томорқадан самарали фойдаланишнинг бир йўли. Турфа зироатлар ўстириш, эртаги маҳсулотлар етиштириш, эҳтимо, ҳаммининг қўлидан келар. Аммо 400 бош қўй боқиш ҳўжаликам иш эмас. Буни фақат чорва ортидан ҳалол тон топиб юрган, машаққатларига чидаган Панжи Жабборовга ўхшаган тадбиркор инсонларгина уддалайди. Қишк-ёғи бостирмалар шўналик расамади билан ихчам барпо этилганки, қўриб ҳавасингиз ортади. Уларни қуриш учун камида 15-25 куб метр ёғоч-тахта, тонналаб арматура сарфланган. Жониворлар ёшига қараб алоҳида-алоҳида парваришланади. Ортиқча исрофгарчиликка йўл қўйилмайди. Икки килограмм омухта ем ва тўрт-беш боғ хашак ҳисобига 1-1,3 килограмм гўшт етиштириш режалаштирилган.
(Давоми 2-бетда)

Ислохотлар — юксак тараққиёт омили

(Давоми. Боши 1-бетда)
Юртбошимиз янги уйларга қўриб қирган хонадонлар соҳиблари билан суҳбатлашди.

— Кишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, замонавий уйлар қуриб, коммуникация тизимларини барпо этишдан кўзлаган эзгу мақсадимиз кишлоқда яшайдиган одамларга ҳеч қандай кам бўлмаган, муносиб шароит яратишдан иборатдир, — деди Исом Каримов. — Бундай уйларида яшаш инсоннинг кайфиятини кўтариб, меҳнат фаолиятида унум ва барака келтиради.

— Бундай қулайлик, шарт-шароит ҳар бир кишлоқ аёлининг орсуси, деса-сам, янглишмайман, — деди янги хонадон соҳибаси Тўлқиной Боборахимова. — Замонавий уйларида ўсиб-ўлғайган болаларимиз соғлом, эртанги кунга ишларини мустақам, ўзингиз айтганингиздек, ҳеч қандай кам бўлмайди. Бунинг учун, аввало, Сиздан беҳад миннатдоримиз.

Кишлоқларда намунавий лойиҳа асосида янги уй-жойлар барпо этилаётгани кўриш мумкин, деворбор материалларга бўлган эҳтиёжни оширмақда. Айни пайтда вилоятда ана шундай мақсулотлар ишлаб чиқарадиган бир қатор корхоналар фаолият кўрсатаяпти. Утган йили еттига тоннада йилга 300 миңдан 1 миллион донагача гишт ишлаб чиқарадиган кичик заводлар қурилади.

Вилоятда жорий йилда 610 та ана шундай замонавий уй-жойлар ўз эгаларига топширилади. Шу билан бир

қаторда 2011 йил учун ҳам буюртмалар портфели шакллантирилмоқда.

Президентимиз вилоятдаги ҳарбий қисмлардан бирида бўлди. Ҳарбийларнинг жанговар тайёргарлиги, уларнинг ва оила аъзоларининг яшаш шароити билан қизиқди.

— Она Ватанимизни асраш, химоя қилиш бугун ҳар бир йигит учун шарафли ишга айланганлиги барчамизни қувонтиради, — деди Президентимиз. — Бу истиқлолимизнинг илк йилларидан миллий армиямизни ислоҳ қилиш йўлида олиб борилган кенг қўламли ислохотларнинг самарасидир. Бугун Куролли Кучларимиз ўзининг жанговар салоҳияти билан кўпчиликка ўрнак бўла олади.

Юртбошимиз Ватан химоячисидек шарафли ва масъулятли вазифани бажарётган ҳарбий хизматчилар учун барча қулайликларни яратиш, уларнинг уй-жой шароитларини янада яхшилаш лозимлигини таъкидлади.

Фаргона вилояти ўзининг иқтисодий салоҳияти билан мамлакатимизда етакчи ўринлардан бирини эгаллаётган. Кейинги йилларда вилоятда саноат корхоналарини модернизациялаш, тармоқда ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида салмоқли натижаларга эришилмоқда. Кундалик ҳаётда эҳтиёж юқори бўлган мақсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарни техник ва технологик модернизация қилиш, мақсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини таъминлаш, улар фаолиятини янада самарали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Фаргона шахрининг бош режаси билан танишар экан, давлатимиз раҳбари мазкур лойиҳани янада такомиллаштириш, хусусан, замонавий шаҳарсозлик анъаналарига, ландшафт дизайнига қатъий амал қилиш, меъморий тарҳи иккинчисини такрорламайдиган, айна пайтда уйғун бинолар қуриш лозимлигини таъкидлади. Шаҳар марказига эътибор қаратиш зарурлигини, боғ ва хиёбонлар яратиш масалаларини алоҳида қайд этди. Шунингдек, нафақат Фаргона, балки республикамизнинг барча шаҳарларида йўл-транспорт тизимларининг қатнов ва юк ташиш имкониятларини замон талабларига мос ҳолда кенгайтириш, коммуникация, хусусан, ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси тармоқлари ва хизмат кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар берди.

Мамлакатимизда барча соҳаларда изчил амалга оширилаётган ислохотлар замирида элу юртимизнинг тинчлиги ва оқилолигини мустақамлаш, халқимиз, хусусан, кишлоқ аҳолиси фаровонлигини янада юксалтириш, ҳеч қандай кам бўлмаган баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу ниётлар мужассам. Фаргона вилоятда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ҳам бу фикрни яққол исботлаб турибди.

**Олим ТўРАКУЛОВ,
Маъсуд СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ а р о р и

2010-2011 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

бакавларларни 56 607 нафар, шу жумладан давлат грантлари бўйича — 19 755 ва тўлов-контракт асосида — 36 852 нафар миқдорда, уларни олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари бўйича 1-иловага мувофиқ тақсимлаган ҳолда; магистрларни 5 856 нафар, шу жумладан давлат грантлари бўйича — 1 561 ва тўлов-контракт асосида — 4 295 нафар миқдорда, уларни олий таълим муассасалари ва мутахассисликлар бўйича 2-иловага мувофиқ тақсимлаган ҳолда;

бакавларларни Тошкент кимё-технология институтини (Кўнгирут бўлими)нинг махсус сиртки бўлимига давлат грантлари бўйича — 65 киши ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус сиртки бўлимига — 50 киши, шу жумладан давлат грантлари бўйича — 15 кишини қабул қилиш квоталари 3-иловага мувофиқ белгилансин;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшаш чоғида олий таълим муассасаларига кириш учун тавсияномалар олган ҳарбий хизматчилардан 2010-2011 ўқув йилига умумий қабул квотаси доирасида 11 300 киши миқдорда бакавларларни қабул қилиш белгиланган, бу эса умумий қабул квотасининг 20 фоизини ташкил қилади.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки, 2010-2011 ўқув йилида Тошкент шаҳрида очилган Турин политехника университетининг янги бинолари комплексида бакавларларни тайёрлаш бўйича қабул квоталари автомобил инжиниринги, машинасозлик технологияси, саноат ҳамда фуқаролик қурилиши инжиниринги каби ва бошқа истиқболли йўналишлар бўйича 200 киши миқдорда белгиланган.

3. 2010-2011 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг тарихи 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

вофиқ тасдиқлансин.

Давлат комиссиясига, тест синовлари натижаларидан келиб чиқиб, белгиланган тартибда мазкур қарор билан тасдиқланган умумий қабул квоталари доирасида олий таълим муассасалари бакавлари ва магистратура сис-темига қабул қилиш шартлари ўзгартиришлар қиритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий таълим муассасаларига эга бошқа вазириятлар ва идоралар қабулга тайёрлаш қўриш ва уни ташкил қилиш ҳамда ҳарбий хизматдан бўшатишда олий таълим муассасаларига кириш учун тавсияномалар олган муддатли ҳарбий хизматчилар учун белгиланган квоталарга риоя этилиши устидан назорат ўрнатсин.

5. Тасарруфда олий таълим муассасалари бўлган вазириятлар ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Вазирият Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда бир ҳафта муддат ичида ўзларига қарашли олий таълим муассасалари доирасида бакавлар ва магистратура бўйича давлат гранти ҳамда тўлов-контракт асосида ўринлар квотасини таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилишга оид тақдирларга бўлган истиқболдаги тақдирларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2010-2011 ўқув йилида давлат грантлари асосида бакавлар ва магистратурага қабул қилишнинг тасдиқланган квоталарига мувофиқ вужудга келаятган талабаларнинг контингентини ҳисобга олган ҳолда, бюджетдан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин; жорий йилнинг 1 сентябридан бош-

лаб, бир нафар талабага таълим бериш харажатларидан келиб чиққан ҳолда, олий таълим муассасаларининг харажатларини бюджет маблағлари ҳисобидан норматив режалаштириш ва молиялаштириш тартибини жорий этиш тақдирларини бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги ҳамда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда эгаллаб турган лавозимдаги таълим даражаси ва йўналишига нисбатан ма-лака талаблари кўрсатилган ҳолда хизматчилар лавозимлари ва ишчилар касби Классификаторини 2010 йилнинг 1 августига қадар чиксин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда иқтисодиёт тармоқлари ва худудларнинг олий таълимнинг зарур профили ҳамда даражасидаги мутахассислар билан таъминланганлигини, шунингдек, йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича бакавлар ва магистратурага бўлган истиқболдаги тақдирларга бўлган истиқболдаги тақдирларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти И. КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2010 йил 28 май

2010 йил — Баркамол авлод йили

**Жиззах вилояти
марказидаги
Ёшлар шаҳарчаси-
да «Куч — билим ва
тафаккурда» ном-
ли кўргазма бўлиб
ўтди. Унда шахар
ва туманлардаги
мактабдан ташқари
таълим муассасаларида касб-
хўна эгаллаётган
ёшларнинг ижодий
ишлари намоиш қилинди.**



Вилоятда 24 та мактабдан ташқари таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Мазкур муассасаларга ўқувчи-ёшларни янада кўпроқ жалб қилиш, ўғил-қизларнинг иқтидори ва маҳоратини оширишига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган кўргазма барчада катта қизиқиш уйғотди.

Суратларда: «Куч — билим ва тафаккурда» кўргазмасидан лавҳалар.

**Умар РАҲМОНҚУЛОВ
(ЎЗА) олган суратлар**

Инсон қалбига йўл

6703 нафар аъзони бирлаштирган таълим ва фан ходимлари Мирзо Улуғбек туман бирлашган қасаба уюшма қўмитаси тармоқ ходимларининг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, жамиятда манфаатлар уйғунлигини таъминлаш бўйича қатор ишларни амалга оширмоқда. Қўмита таркибига 110 га яқин бошланғич ташкилот бор. Уларнинг етакчилари билимдон, жонқуяр ҳамда раҳбарлар олдига фикрини исботлай оладиган фидойилардан. Бу уларни доимий изланишга ундайди.

Айни пайтда тармоқда 180 нафар кам таъминланган, 29 нафар ногирон боласи бор аёл ва 13 нафар ёлғиз яшайдиган ходим бор. Уларга моддий ва маънавий кўмак берилиб, байрамларда алоҳида дастурхон ёзилади. Қолаверса, қасаба уюшмасининг ташаббуси билан муҳтож ва қаровчисини йўқотганлар мактаб жамоаси томонидан оталиққа олинди. Бу ишга ўқувчилар ҳам жалб этилган. Утган беш йилда бундай кишиларга 11 миллион сўмлик моддий ёрдам берилди. Соғлом, руҳан бардам,

оиласидан кўнгли тўқ ўқитувчи ва тарбиячининг ишида унум бўлади. Шу боис ходимларнинг хоҳишига кўра, ҳар йили «Чимён», «Қизилсой», «Кумушкент», «Юсуфхона» каби оромгоҳларга саёҳат уюштирилади. Шунингдек, ходимлар энг шифобахш санаторий ва курортларда қасаба уюшма йўлнамаси билан соғломлаштирилади. Ҳар йили ёзда ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларнинг фарзандлари «Трамвайчи», «Қизилсой», «Зилола», «Қалдирғоч» оромгоҳларида имтиёзли дам олдирилади. Бундан

тадбирлар, мусобақалар уюштирилади. Хуллас, таълим бирорта бола назоратсиз қолмайди.

Ҳақиқат тармоғимизда қасаба уюшмасининг ҳисоб-саноат конференцияси бўлиб ўтди. Унда сузлаганлар фаолиятимизга юқори баҳо беришди. Ҳисоботга қирмаган хайрли ишлар ҳам тилга олинди. Ҳамкасбларимнинг ишонч ва эътирофи менга куч бағишлади. Мақсадим бундан кейин ҳам ҳамкасбларим — фидойи ўқитувчи ва мураббийларга кўпроқ наф келтириш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдир.

**Мавлада АДИЛОВА,
Таълим ва фан
ходимлари Мирзо
Улуғбек туман
бирлашган қасаба
уюшма қўмитаси
раиси**

Ўзбекистон — меҳмонлар нигоҳида

«Эртанги кун бундан ҳам яхши бўлади»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Меҳмонларни мактаб жамоаси қарнай-сурнай садоари остида нон ва туз билан қўтиб олди. Бағоят илқ дўстона саломликдан сўнг барча мактаб ичкарисига қараб йўл олди. Чиройли безатилган хашаматли залдаги айлана стол атрофида ўтирганча тадбир қатнашчилари ўз шарафларига уюштирилган адабий-бадий чиқишларни томоша қилишди. Даставвал, ҳар иккала мамлакатнинг давлат мадҳияси янгради, сўнгра французча қўшиқлар, шеърлар айтилди. Ўзбек халқ қўшиқлари, айниқса, меҳмонларнинг олқишига сазовор бўлди.

— Давлатимиз мадҳиясини ўзбек ўқувчилари маҳорат билан қуйлаганларида, ҳаяжондан кўзимдан ёш чиқиб кетди, — дейди ўзини мадам Сандро дея таништирган аёл. — Ўқувчилар бизнинг ти-

лимизда шунчалик тўғри ва раво гапирётганларига қўйил қолдим. Саводхон ва ажойиб болалар... Бундай гапларни делегация аъзоларининг кўпчилигидан эшитдик. — Ўзбекистон ҳақиқатан ҳам бетакрор диёр, — дейди биз билан суҳбатда делегация раҳбари жаноб Марк Боннел. — Мамлакатингизда Президент Исом Каримов раҳбарлигида истиқболли режалар амалга оширилди, ислохотлар изчиллик билан давом этирилмоқда. Ўзбекистоннинг эртанги кунни янада порлоқ бўлишига ишонамиз.

Шунингдек, жаноб Марк Боннел мамлакатимизда халқ таълими ривожига, келажақ эгаларига бўлган эътибор ҳусусида тўхталиб, қуйидагиларни гапирди. — Келажақ эгалари билимли, хунарли бўлиб воёга еттишлари учун яратилган барча шарт-шаро-

(Давоми. Боши 1-бетда)
— Панжи Жабборовнинг ўз фалсафаси бор: — Кўй боқадиган одам унинг машаққатларига бардош бериши керак. Шундагина кўзлаган мақсадга эришилади, маблағ кўпаяди...

У ёшликдан чорва нонини еб улғайган. Ота-боболари шу касб билан шугулланган. Унинг отаси Йўлдош Жабборов узок вақт

итларга қойил қоламан. Замонавий, хашаматли ўқув муассасалари, коллежлар кўрган кўзни қувонтиради. Ўзбекистонга қадам қўйишимиз билан «Баркамол авлод йили» деган ёзувларни кўрдик. Бунинг замирида ҳам олам-олам маъно, фарзандлар камолига бўлган эътибор муаллими таъкидлади.

Меҳмонлар ўқувчиларнинг билим-заковатларига тан берганларини, чет тилини иштиёқ билан ўқиётганидан хурсанд бўлиб, миллатини таъкидлади. — Дўстона алоқалардан кўзланган мақсад, — деди жаноб М.Боннел, — тил ўрганмоқдир.

Тадбир иштирокчилари бир-бирларига эсдалик совғалари ҳадя қилишди. Меҳмонлар ўзбек хонадонларида бўлиши, миллий таомлардан тановул қилдилар.

Меҳрибон ТИЛЛАЕВА

Замондошимиз тасвирига чизгилар

боқамиз. Касбим зоотехник эмасми, уларга қандай қарашни яхши биламан. Қарабсизки, харид қилганимизда 25-35 килограммли кўзи-ю тўқиллар уч ой деганда камиди 70-80 кило гўшт қиладиган даражага етади. Узимиз ҳам совлиқлар парваришлаб тўқини кўпайти-

радим. Лекин асосий қисминни бозордан харид қиламиз. Сотувга тайёр бўлганини эса яна бозорга чиқарамиз. Шу йўл билан ҳам рўзгор тебратаямиз, ҳам аҳолини гўшт билан таъминлашга ҳисса қўшаямиз...

— Бугун кўпчилик хонадонларда бир-икки кўй боқиш ташвишли бўлиб турган пайтда П.Жабборовнинг шунча кўйни парваришлаётганига тасанно айтиш керак. Албатта, бир кишига шунча молнинг қарови оғирлик қилади. Шунинг учун Панжибой қишлоқдошларидан 7 нафар йигитни ёрдамчиликка жалб қилган. Тадбиркор ишчиларига ойма-ой маошини беради. Кўй сўйганда гўшт улашади. Ҳар кунни уч маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминлайди. Эр-хотин кўш ҳўжин, деганларидек, Панжи ақанинг умр йўлдоши Пардахол опа ҳам камарбаста. Қўлай иш шароитидан барча ишчилар мамнун.

— Панжибой қўли очик тадбиркор, — дейди Савадо, матбуот кооперацияси ва тадбиркорлар қасаба уюшмаси Марказий кенгашининг Шўрчи туманидаги вакили Барногул Эламонова. — У халқ сайиллари, турли тадбирларда бош-қош. Ижтимоий муҳофазага муҳтож оила фарзандларига ўқув дарслиқлари ва қўлланмалари олиб беради. Яқка-ёлғиз, ногирон фуқаролар ҳолидан хабар олиш, қишлоқ йўлларини таъмирлаш каби хайрли

ишлар, энг муҳими, инсонга наф келтиришни олий бахт, деб билади.

Президентимизнинг шахсий хонадонларда чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш тўғрисидаги қароридан сўнг «Элбаён» маҳалласида ҳам соҳага тааллуқли сав-

до дўконлари иш бошлади. Ветеринария хизмати йўлга қўйилди. Бу эса Панжи Жабборов сингари хонадонларда чорвачилик билан шугулланаётган тадбиркорларнинг муаммоларини ҳар томонлама осонлаштирмоқда. Панжи Жабборов ҳисоб-китобни ҳам яхши билади. Бир кунда жониворларга 1,5 тонна омухта ем сарфланади. Ойига ўртача 3 тонна гўшт еттиштириб сотилади. Олинган даромад ҳисобига уй қурди. Болаларини ўқитаяпти, тўй қилаяпти. Дастурхони ҳамма тўқин-сочин.

Бундан ташқари, Панжи ақанинг хонадонда 15 бош қоромол ҳам парваришланаяпти. Эртанин хусусий гишт заводи ишга тушади. — Панжи Жабборов бағри кенг инсон, — дейди «Элбаён» МФЙ раиси Умар Болтаев. — Ҳар бир тадбиримизга ҳомийлик қилади. Яқинда тўрт нафар кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйини ўз ҳисобидан ўтказиб берди. Сайиллиги учун ҳам хонадондан қўй-кўзи, қўт-барака армайди.

Аёниқ, маҳаллада кимнинг қандай яшаётгани, ким нима иш қилаётганини оқсоқолчилик ҳеч қим тўлиқ билмайди. Оқсоқолчи Панжи Жабборов ҳақида шунчалик илиқ фикр билдирар экан, ортиқча таърифу тавсифга ҳожат бўлмаса керак.

**Рустам ДАВЛАТ,
«Ishonch» мухбири**

Янги ўзбек



Мижоз манфаати устувор

Активларнинг ўсиши

«Асака банк»нинг Тошкент шаҳар филиалида кредит бериш имкониятини кенгайтирди

Молия хизматлари бозорида ўз мавқеини мустаҳкам сақлаб келаётган «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банкининг Тошкент шаҳар филиали мана 12 йилдирки, ўз ваколатлари доирасида миқдорларга барча турдаги банк, жумладан, ҳисоб-қасса, пул маблағларини сақлаш, миллий ва хорижий валютада кредитлар ажратиш каби хизматларни тақдим этмоқда.

Кичик тадбиркорликни ривожлантириш мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ўтган давр ичида миллий валютада жами 17,4 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилгани ҳолда, шундан 12,9 млрд. сўм миқдордаги қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун йўналтирилгани таҳсинга лойиқ.

Кичик бизнес вақиллари, тадбиркорларга филиалнинг малакали мутахассислари маслаҳат ва амалий ёрдам кўрсатиб келмоқдалар. Филиал миждози булган ҳар бир тадбиркор ўзининг банк хизматиға оид саволлари билан Марказий банкда, Банкнинг Бош офисида ва филиалнинг ўзида ўрнатилган «Ишонч телефонлари» орқали мурожаат этиши мумкин.

Мижозларимиз филиал томонидан ажратилаётган қуйидаги кредит турларидан фойдаланиш имкониятиға эға:

- Аҳоли учун истеъмол кредитлари;
— «Асака» банки филиали томонидан хизмат кўрсатилаётган йирик ҳўжалик йирутвчи субъектлар (корпоратив миждозлар) ходимлариға бериладиган истеъмол кредитлари;
— Тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари

- 1. Ипотека кредитлари
2. Юридик шахслар учун кредитлар
Аҳолини иждимой қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш, ёш оилаларни турар жой билан таъминлаш, истеъмол ва таълим кредитлари ажратиш, тадбиркорликни ривожлантиришға банк ўз хиссасини қўшиб келмоқда.

Юртбошимизнинг «Тижорат банкларидаги аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашға доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға асосан банклардаги омонатларға қўйилган аҳолининг бўш пул маблағлари ва олинандиган даромадлари барча турдаги солиқлардан озод этилганлиги, маблағларни чекловларсиз тасарруф этиш ҳўқуқининг берилиши каби қўлай имконият ва имтиёзларнинг яратилгани аҳолининг банк тизимиға булган ишончини янада мустаҳкамлашди. Мазкур фармон иждосини таъминлаш борасида «Асака» банкнинг Тошкент шаҳар филиалида аҳоли этиббориға 41дан ортқ миллий ва хорижий валютадаги омонат турлари тақдим этилмоқда.

Аҳолининг бўш пул маблағлари жалб

этилишини янада рағбатлантириш мақсадида жорий йилнинг 4 ойи мобайнида миллий ва хорижий валютадаги 9 та янги омонат жорий этилди. Сақлаш муддати турлича ва фойз дарамадлари юқори булган омонатлар сирасиға «Хотира», «Самарали», «Ривож», «Зиёли», «Янги ниёт», «Мақсадли» каби омонатларни киритиш мумкин. Мазкур омонатлар ўзининг қўлай шартларға эғалиги билан қўллаб миждозлар қизиқишини ўйғотмоқда.

Миллий ва хорижий валютадаги омонатлар ҳамда пластик картчалар эғалари сонининг тўхтовсиз ўсиб бораётганлиги банк пластик картчалар тарқатиш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш ишларини фаол олиб бориш имконини бермоқда. Хусусан, аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этишда хисоб-китобларни пластик картчалар орқали амалға оширилишиға катта этибор берилмоқда. Ҳозирги кунда пластик картчалардан йирик корхоналар ва ташкилотларнинг хизматчилари ҳамда аҳоли фойдаланмоқда. Бугунға келиб, жорий этилган сўм пластик картчалар сонини 47 334 таға етказилди.

Иш ҳақи лойиҳалари доирасида 17,1 миждона картчқа муомалаға чиқарилди. Бу эса чиқарилган карталар умумий ҳажмининг 36 фоизини ташкил этади. Савдо терминалларини ўрнатиш кўрсаткичи 269 донаға етказилди. Жорий йилнинг 4 ойи мобайнида сўм пластик картчаларни тўлов учун қабул қилувчи савдо-сервис корхоналарида нақд пулсиз тўловлар бўйича савдо терминаллари орқали пул маблағлари айланмаси 8 млрд. 950 млн.сўмини ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу давриға нисбатан 42 фоиз кўп демақдир.

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий фуқароларнинг «АСАКА» банкидаги барча жамғармалари банкнинг «Фуқароларнинг банклардаги жамғармаларини кафолатлаш фонди» билан тузилган шартномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Фуқаролар жамғармаларининг кафолатини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида давлат томонидан химояланган ва жамғарманин миқдоридан катти назар, тўлиқ равишда тўла-нақи кафолатланган.

«Асака» банки Тошкент шаҳар филиали ҳар қандай турдаги ва гуруҳдаги миждозлар билан ҳамкорлик қилиш учун доимо очик.

«Асака» банки матбуот хизмати

Жиноят ва жазо

Ҳар ким иждимой келиб чиқшидан катти назар эркин яшаш ҳўқуқиға эға эканлиги Асосий Қонунимизда белгилаб қўйилган. Орамизда буни турлича тушуновчи кишиларнинг учраб туриши афсусланарлиқдир. Қозоғистоннинг Чимкент вилоятида туғилган Муратжан Османов ҳам бошқалар қатори оиласини ҳалол меҳнат билан боққанда бугун мум тишлаб ўтирмасди.

Қилмишға яраша

Муратжан ҳаёт кечиришининг осон йўлини танлади. У пойтахтимиздаги «Олой» бозори атрофида валади алмаштириш орқали кишиларнинг «оғирини енгил қилиб» юришини маъқул қўрди. Дастлаб иши юришганидан қувонган М.Османов ҳар доим шундай бўлади деб ўйлаган бўлса ажаб эмас...

Жорий йилнинг 6 февралда одатдагидай «иш жойи»ға келган Муратжан фаолиятиға чек қўйилишини хаёлиға ҳам келтирмади. Тахминан ярим соатлардан кейин би киши келиб 200 АҚШ доллари кераклигини айтиб қолди. Улар бозорнинг орқа, яъни кўздан пана қисмиға бориб бир АҚШ долларини 2150 сўмдан хисоблаб, 430000 сўмға ноконуний равишда алмаштиришди.


Хисоб-китоб тугагандан сўнғ, Ўзбекистон Бош прокуратураси хузуртида СВОЖДЛК департаментининг Мирзо Улугбек тумани бўлими ходимлари томонидан қўлга олинди. Ўтказилган тезкор тадбирда М.Османовға теғишли «Нексия» машинаси кўздан кечирилганда сотишға мўлжалланган 2300 АҚШ доллари ва 3000000 сўм ҳамда бир дона заргарлик буюми даллий ашё сифатида вақтинчалик олиб қўйилди.

Фуқаролиқи бўлмаган, ўрта маълумотли, вақтинча ишсиз, Юнусобод туманида яшайдиган, эндиғина 34 ёшға кирган М.Османовнинг қилмишидан бошқа «ҳамкасблари» ҳулоса чиқариши шўбҳасиз. Бу каби қинғир ишлар ҳеч қачон жазосиз қолмаслигини унутмаслик керак.

А. СОДИҚОВ, Мирзо Улугбек туман прокуратураси катта терговчиси

Академик Александр ЛАВРИК

Ўзбекистон илм-фани оғир жудолика учради. Математика соҳасидаги йирик олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Александр Федорович Лаврик 83 ёшида вафот этди.



А. Лаврик 1927 йилда Россия Федерациясининг Кемерово вилоятида туғилди. Ўрта мактабни тугатгандан кейин Иккинчи жаҳон урушида фашизмға қарши жангларда иштирок этди. Урушдан сўнғ Фарғона давлат педагогика институтини тамомлаб, Тошкент шаҳридаги 90-мактабда ўқитувчи сифатида иш бошлади. 1956 йили Ленинград давлат институтини қошидаги аспирантураға ўқишға кирди. 1958 йилда номзодлик, 1967 йилда эса докторлик диссертациясини химоя қилди. 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси аъзоллиғиға сайланди.

А. Лаврик 1957-1967 йиллар давомида Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида кафедра мудири лавозимида хизмат қилди. Унинг кейинги қарий ярим асрдан зиёд давом этган илмий-педагогик фаолияти Тошкент темир йўл транспорт муҳандислари институтини билан боғлиқ ҳолда кечди. Бу даргоҳда кафедра мудири сифатида иш олиб бориб, юртимизда математика фанини ривожлантириш, ёш кадрларни тайёрлаш ишға салмоқли хисса қўшди.

Унинг математика фанининг долзарб масалаларига бағишланган 100 га яқин илмий мақолалари, ўйлаб рисола ва тўпламлари илмий жамоатчиликка яхши маълум.

Заҳматқаш олим ўз фаолияти мобайнида 3 нафар фан доктори ва ўндан зиёд фан номзодиға илмий раҳбарлик қилди. Академик А.Лаврикнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби» фахрий унвониға сазовор бўлган эди.

Таниқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Александр Лаврикнинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш.МИРЗИЁЕВ, А.АРИПОВ, Ш.СОЛИҚОВ, М.САЛОҲИДДИНОВ

Республика қўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосиға тақлиф этади!

Аукцион савдосиға Юнусобод тумани СИБ томонидан 22.04.2008 йилда, мазкур қўчмас мулкни сотиш юзасиндан тақририй аукцион савдоси 2010 йилнинг 20 июл кунини бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

Ўшбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамиға 20208000304632976002, АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206 852 268, ОКОНХ

81200 га тўлашлари шарт. Савдоға қўйилган мол-мулклар билан теғишли суд иждосчилари бўлимининг вақили иштирокида бевосита жойға чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа теғишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишиға бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний қўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: DB 001 №000003.

Ҳуқуқий сабоқ

«Қонунлар уларға итот этувчиларғагина ўзининг иждосчиларини намойн қилади», деган эди Демокрит. Аслида қонунларға итот қилиш, иждосчиларидан баҳраманд бўлиш учун уларни билиш, ўрганиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсати ҳўжалик йирутвчи субъектларға солиқ юқини янада камайтириш, ишлаб чиқаришини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни рағбатлантириш, фуқароларнинг даромадларини ошириш ва уларнинг харид салоҳиятини қўпайтириш, солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш ва тақомиллаштиришға қаратилган бўлиб, айни вақтда Конституциянинг 51-моддасида қайд этилганидек, «Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашға мажбур». Қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш борасидаги конституциявий мажбурият жамиятда яшаётган ва давлат фаолиятининг натижаларидан фойдаланаётган инсон ва фуқароға бўлган энг оддий талабдир.

Солиқ кодексининг 12-моддасида солиқ тушунасиға қуйидагича таъриф берилган: «Солиқлар деганда ушбу Кодексда белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва бегараз хусусиятға эға бўлган, бюджетға йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунасилади». Табиийки, савол туғилади: «Солиқларни нима учун тўлаймиз?» Қуйида ушбу саволға жавоб беришға харакат қиламиз.

Солиқ давлатчиликнинг илк кўринишлари шаклланган қадимги Грецияда (эраимиздан аввалги IV-I асрларда) намойн бўла бошлаган. Лекин мозиёға қўчурқоқ назар ташласак, илк ибтидоий жамоа даврида ҳам солиқларнинг дастлабки кўринишлари мавжуд бўлган, яъни қабила эркаклари овллаб келишан ов махсулотларининг бири қисминини қабила бошлиғиға мажбуран беришган ва мажбурий ажратмалар қабиладаги тўловлар қариялар, аёллар, боқувчисини йўқотганлар ҳамда ов жараёнида овға лаёқатсиз бўлиб қолганларға тарқатилган.

Молия вазириликнинг хисобот маълумотларига қараганда, давлат бюджети даромадларининг асосий қисминини солиқлар ва мажбурий тўловлар ташкил этади. Бизнинг наэдимизда солиқларнинг қайта эквивалентлиқи яққол кўринмайди. Лекин маориф, маданият, иқтисодий, оммавий ахборот воситалари, солиқнинг сақлаш, спорт, аҳолини иждимой химоя қилиш, марказлаштирилган инвестициялар, давлат бошқаруви ҳамда

Нима учун солиқ тўлаймиз?



судлар, прокуратура органлари ва адлия муассасаларини сақлашға ва бошқа харажатлар давлат бюджети даромадлари эвазига амалға оширилади. Мисол учун, 2006 йилда биргина иждимой соҳа ва аҳолини иждимой қўллаб-қувватлаш учун сарфланган харажатлар давлат бюджетининг 51 фоизини ташкил этган бўлса, «2007 — Иждимой химоя йили»да бу кўрсаткич 53,8 фоизни ташкил этди ва шу йилнинг ўзида аҳолини иждимой химоя қилиш мақсадида барча манбалар ҳисобидан салкам 484 миллиард сўм маблағ сарфланди. 2008 йилда эса бу кўрсаткич қарийб 54,6 фоизни ташкил этган. 2010 йилги давлат бюджети харажатлари аҳолини иждимой қўллаб-қувватлаш харажатлари улшини 2009 йилда 55,6 фоиздан 59,1 фоизгача ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасиға 2010 йилда 1431,9 млрд. сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Демак, истикболимизда инсон манфаатларини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини янада юксалтириш борасида бундай хайрли ишлар қўлама янада кенгайди. Бу мамлакатимизда ҳар таомилма мустаҳкам ҳуқуқий асосға эға бўлган иждимой химоя тизими шаклланидиган даллолатдир. Ва биз «қўра олманган» қайта эквивалентлик шу каби давлат харажатлари кўринишида намойн бўлади.

Бас, шундай экан, солиқлар ҳамда қомул тўловлар орасидаги фарқларни яққолаш ва ҳақининг олти бараваригача миқдорда. Даромад суммасининг 11 фоизи; Энг кам иш ҳақининг олти бараваридан (+1 сўм) ўн бараваригача миқдорда. Олти баравар миқдордан солиқ-энг кам иш ҳақи миқдорининг олти бараваридан ошадиган суммадан 17 фоиз; Энг кам иш ҳақининг ўн баравари (+1 сўм) ва ўндан юқори миқдорда. Ўн баравар миқдордан солиқ-энг кам иш ҳақи миқдорининг ўн бараваридан ошадиган суммадан 22 фоиз. Солиқ ставкаларини пасайтириб бориш солиқ сиёсатининг асосий йўналишларидан хисобланади. Жумладан, 1998 йилдан 2010 йилгача ушбу солиқнинг юқори чегараси 45 фоиздан 22 фоизгача, қўйил чегараси 30 фоиздан 17 фоизгача, орлик чегараси эса 15 фоиздан 11 фоизға камайтирилди. Мазкур солиқ ислохотлари жисмоний шахслар даромадини ошириш ҳамда уларнинг даромадлилик даражасини самарали таъминлаш мақсадида амалға оширилган, десак асло муболага бўлмайди.

Жисмоний шахслардан олинандиган даромад солигини хисоблаб чиқариш учун солиқ ставкасини қўллаш мақсадида энг кам иш ҳақи миқдори йил бошидан ортиб борувчи яқун бўйича (йил бошининг теғишли даврининг ҳар бири оий учун энг кам иш ҳақларининг суммаси) хисобға олинади.

Жисмоний шахслардан олинандиган даромад солигининг хисоблаб чиқарилган суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний шахсларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия хисобварақлариға ўтказиладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасиға камайтирилади.

Келинг, энди буларни аниқ бир мисолда қўрайлик. Масалан, А жисмоний шахсға январ ойи учун 400 000 сўм иш ҳақи хисобланди. 2010 йилнинг январ ойида энг кам иш ҳақи 37680 сўминини ташкил этади. 1. Энг кам иш ҳақи олти бараварининг 11%ини хисоблаймиз. 37680х6=226080сўм 226080х11%=24868,8 сўм — солиқ суммаси. 2. Энг кам иш ҳақининг олти бараваридан (+1 сўм) ўн бараваригача миқдорни хисоблаш учун энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан 226080 сўм (энг кам иш ҳақининг олти баравари миқдори)ни чегириб, унинг 17 фоизини хисоблаймиз. 37680х10=376800 сўм. 376800-226080=150720 сўм 150720х17%=25622,4 сўм — солиқ суммаси. 3. Энг кам иш ҳақининг ўн баравари (376

Энг кам иш ҳақининг олти бараваригача миқдорда. Даромад суммасининг 11 фоизи; Энг кам иш ҳақининг олти бараваридан (+1 сўм) ўн бараваригача миқдорда. Олти баравар миқдордан солиқ-энг кам иш ҳақи миқдорининг олти бараваридан ошадиган суммадан 17 фоиз; Энг кам иш ҳақининг ўн баравари (+1 сўм) ва ўндан юқори миқдорда. Ўн баравар миқдордан солиқ-энг кам иш ҳақи миқдорининг ўн бараваридан ошадиган суммадан 22 фоиз. Солиқ ставкаларини пасайтириб бориш солиқ сиёсатининг асосий йўналишларидан хисобланади. Жумладан, 1998 йилдан 2010 йилгача ушбу солиқнинг юқори чегараси 45 фоиздан 22 фоизгача, қўйил чегараси 30 фоиздан 17 фоизгача, орлик чегараси эса 15 фоиздан 11 фоизға камайтирилди. Мазкур солиқ ислохотлари жисмоний шахслар даромадини ошириш ҳамда уларнинг даромадлилик даражасини самарали таъминлаш мақсадида амалға оширилган, десак асло муболага бўлмайди.

Жисмоний шахслардан олинандиган даромад солигини хисоблаб чиқариш учун солиқ ставкасини қўллаш мақсадида энг кам иш ҳақи миқдори йил бошидан ортиб борувчи яқун бўйича (йил бошининг теғишли даврининг ҳар бири оий учун энг кам иш ҳақларининг суммаси) хисобға олинади.

Жисмоний шахслардан олинандиган даромад солигининг хисоблаб чиқарилган суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний шахсларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия хисобварақлариға ўтказиладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасиға камайтирилади.

Келинг, энди буларни аниқ бир мисолда қўрайлик. Масалан, А жисмоний шахсға январ ойи учун 400 000 сўм иш ҳақи хисобланди. 2010 йилнинг январ ойида энг кам иш ҳақи 37680 сўминини ташкил этади. 1. Энг кам иш ҳақи олти бараварининг 11%ини хисоблаймиз. 37680х6=226080сўм 226080х11%=24868,8 сўм — солиқ суммаси. 2. Энг кам иш ҳақининг олти бараваридан (+1 сўм) ўн бараваригача миқдорни хисоблаш учун энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан 226080 сўм (энг кам иш ҳақининг олти баравари миқдори)ни чегириб, унинг 17 фоизини хисоблаймиз. 37680х10=376800 сўм. 376800-226080=150720 сўм 150720х17%=25622,4 сўм — солиқ суммаси. 3. Энг кам иш ҳақининг ўн баравари (376

800)дан то 400 000 сўмгача бўлган суммаини хисоблаб, унинг 22 фоизини хисоблаймиз. 400000-376800=23200 сўм 23200х22%=5104 сўм — солиқ суммаси. 4. Энди жами солиқ суммаси йиғиндисини хисоблаб, уни хисобланган иш ҳақи миқдори (400 000 сўм)дан чегираимиз. 24868,8 +25622,4 +5104=55595,2 сўм — жами солиқ суммаси 400000-55595,2 =344404,8 сўм — солиқ ундирилгандан кейинги сумма.

Бундан ташқари, хисобланган иш ҳақидан қасбаба уюшмасиға 1%, 2010 йилдан бошлаб эса фуқароларнинг мажбурий сугурта бадалини (Пенсия фондиға) 4% (2009 йилда 3,5% эди) ҳамда 2005 йилдан бошлаб фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия жамғармасиға 1% каби тўловлар мавжуд.

5. Қасбаба уюшмасиға ажратма 400000х1%=4000 сўм. 6. Пенсия фондиға ажратма 400000 х4%=16000 сўм. 7. Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия хисобварақлариға ажратма базаси хисобланган иш ҳақи (400000 сўм) бўлиб, натижа жами солиқ суммаси (55595,2 сўм)дан камайтирилади. 400000х1%-4000 сўм 55595,2 - 4000 =51595,2 сўм — давлат бюджетиға тўланадиган солиқ суммаси.

8. Демак, хисобланган иш ҳақидан барча тўловларни чегираимиз. 400000-55595,2-4000-16000=324404,8 сўм — тўланадиган иш ҳақи миқдори. Бундан ташқари, 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон олий ўқув юрталарида таълим олишлари учун тўланадиган маблағлар, шунингдек, Халк банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия хисобварақлариға ихтиёрий равишда йўналтириладиган маблағларни солиқ солинадиган жами даромаддан чегириш кўринишида қўшимча имтиёзлар жорий этилди.

Солиқларни давлатнинг қон томирлариға ўхшатиш мумкин. Одамзоднинг яшаши учун қон томирлари қанчалар муҳим бўлса, солиқлар ҳам давлат учун шунчалар аҳамиятга моликдир. Демак, солиқсиз давлат бўлмаганидек, давлатсиз солиқ ҳам бўлмайди. Бундан эса солиқларни ўз вақтида, тўлиқ ва онгли равишда тўлашимиз лозимлиғи англашилади.

Азизхон НОДИРОВ, Адлия вазирилик Ахборот хизмати ходими

